DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-17 Pages: 148-158

Oriental Journal of Philology

SUPPORT SCIENCE

ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT STAGES OF EGYPT'S «NEW POETRY»

Ikrom Y. Bultakov
Associate Professor, Candidate of Philological Sciences
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
***Email**: bultakov68@gmail.com*
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: Egyptian literature, Arabic poetry, new poetry, qasida, ash-shi'r al-hadith, ash-shi'r al-hurr.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: The literary environment of Egypt, the center of Arab culture since the second half of the 20th century, has played a significant role in the emergence and development of modern Arabic poetry. Over several decades of the past century, new trends and movements emerged in Egyptian poetry, including in the genre of fable both in form and content. The struggle between the principles of tradition and renewal intensified. This article describes the "new poetry" movement in Egyptian literature and its characteristics, including the reasons for its emergence and development, as well as the socio-aesthetic factors and stages of its evolution.

МИСР «ЯНГИ ШЕЪРИЯТИ» НИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Икром Ю. Бултаков
Доцент, филология фанлари номзоди
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Email: bultakov68@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Миср адабиёти, араб шеърияти, янги шеърият, қасида, ’аш-ши‘ру-л-ҳадис, ’аш-ши‘ру-л-ҳурр.

Аннотация: XX асрнинг иккинчи ярмидан араб маданиятининг ўчоғи – Миср адабий муҳити янги замон араб шеъриятининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнади. Ўтган асрнинг бир неча ўн йилликлари давомида

Миср шеъриятида янги оқимлар ва йўналишлар вужудга келди, жумладан, қасида жанри ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгаришларга учради, анъана ва янгиланиш тамойиллари ўртасида кураш кучайди. Мазкур мақолада Миср адабиётида юзага келган «янги шеърият» ҳаракати ва унинг хусусиятлари, жумладан, «янги шеърият»нинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаблари ҳамда ижтимоий-эстетик омиллари, тараққиёт босқичлари баён этилган.

ВОНИКНОВЕНИЕ И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ЕГИПЕТСКОЙ «НОВОЙ ПОЭЗИИ»

Икром Ю. Бултаков
Доцент, кандидат филологических наук
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: bultakov68@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: египетская литература, арабская поэзия, новая поэзия, касыда, аш-шъиру-ль-хадис, аш-шъиру-ль-хурр.

Аннотация: Литературная среда Египта, центра арабской культуры со второй половины XX века, сыграла важную роль в возникновении и развитии современной арабской поэзии. В течение нескольких десятилетий прошлого столетия в египетской поэзии, в том числе в жанре касыда, появились новые как по форме, так и по содержанию течения и направления, усилилась борьба между принципами традиции и обновления. В данной статье описывается движение «новой поэзии» в египетской литературе и ее характеристики, в том числе причины возникновения и развития «новой поэзии», а также социально-эстетические факторы и этапы развития.

Кириш

XX асрнинг 50-йилларида Миср жамиятида вужудга келган янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароит Миср адабиётида рўй берган янгиланиш ҳаракати билан боғланди. Миср адабиётида «янги шеърият» (الشعر الحديث – ’аш-ши‘ру-л-ҳадис) номини олган ҳаракат вужудга келди. Бу ҳаракатнинг вужудга келиши замон ўзгаришларига мос асарлар яратиш, янги воқеликни акс эттириш, янги шеърий шакллар излаш ва улар ёрдамида мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларни моҳирлик билан акс эттирувчи асарлар яратиш

зарурияти билан боғлиқ эди. «Янги шеърият замонавий ҳодисаларни акс эттирувчи омиллардан бири бўлиб дунёга келди» (Al-Ruwaini, 1993, p. 121).

XX асрнинг бошларида шеъриятдаги янгиланиш жараёни бошқа халқларнинг адабиётида ҳам кузатилди. Жумладан, бу ҳаракат 20-30-йилларда турк адабиётида «yeni shi'r», 40-йилларда форс адабиётида «ше'ри ноу» (شعر نو) номи билан дунёга келди. Ўзбек адабиётида эса бу жараёнларни XX аср бошларида жадид адабиётида кузатишимиз мумкин.

Турк адабиётида янгиланиш унсурлари Нозим Ҳикмат, Сабоҳиддин Али, Орхан Вали, форс адабиётида Нимо Юшиж, Сиёвуш Кесровий, Нодир Нодирпур, ўзбек адабиётида эса Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту, Ойбек ва Ғафур Ғулом ижодида намоён бўлди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Миср «янги шеърияти» ни ўрганишда Моҳир Ҳасан Фаҳмийнинг "Татаввур ал-шиър ал-арбий ал-ҳадис фи Миср", Изиддин Исмоилнинг "аш-Шиър ал-арбий ал-муасир – қадайа ва заваҳируҳу ал-фанниййа ва ал-маънавиййа", Муҳаммад Иброҳим Абу Синнанинг "Асват жадида фи аш-шиър ал-арабий ал-ҳадис", Муҳаммад Мандурнинг "аш-Шиър ал-мисрий баъда Шавқий" ва бошқа араб адабиётшуносларининг асарлари ва мақоллари муҳим манба саналади. Ўзбек ва рус арабшунослари Р.У. Хўжаева, И.Ю. Крачковский, В.Н. Кирпиченко, В.В. Сафронов, И.М. Бобилева ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам маълумотлар олиш мумкин.

Натижалар. Араб адабиётидаги «янги шеърият»нинг илк куртаклари XX асрнинг 20-30-йилларида намоён бўлган. Бу даврда фаолият кўрсатган «Девон» ва «Аполлон» жамиятлари янги Миср шеърияти ривожига ўзларининг катта таъсирини кўрсатдилар. 1921 йилда ташкил топган «Девон» мактабининг аъзолари Абдурраҳмон аш-Шукрий (1886–1965), Аббос Маҳмуд ал-Аққад (1889–1964), Иброҳим ал-Мазиний (1890–1947), Аҳмад Закий Абу Шадий (1892–1955) лар янги араб шеъриятида романтик йўналишнинг (الاتجاه الوجداني – 'ал-'иттижāҳу-л-виждāний) вужудга келишида катта роль ўйнадилар. Ўзларини «янгиланиш тарафдорлари» (المجددون – 'ал-мужаддидӣна) деб номлаган бу шоирлар анъанавий шеърият тарафдорларининг асарларини таҳлил қилиб, уларда ҳақиқий шеърий илҳомнинг йўқлиги, услубдаги тақлидчиликка мойиллик ҳамда унинг умумийлигини танқид қилдилар. Уларнинг фикрича, «шеърдаги образ, худди нурни акс эттираётган ойна сингари шоир қалбидаги ҳиссиётларни янада чуқурроқ ва кучлироқ акс эттирмоғи, унинг шахсияти, кўнгилдаги орзу-умидлари, инсоннинг сабр-бардошига тўла дунёсини очиб бермоғи лозим» (Khodjaeva, 1975, p. 55).

«Девон» шоирлари ижоди натижасида араб шеърияти тушунчаси ўзгарди. Эндиликда қасида деганда бир-бири билан боғланмаган қисмларга бўлинган анъанавий араб қасидаси эмас, балки яхлит шеърий шакл назарда тутилди.

«Девон» шоирлари аруз вазнидан ажралмаган ҳолда асарлар ёздилар. Бу шоирларнинг шеърлари ягона ғоя – лирик қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб беришга қаратилган эди. Айтиб ўтиш керакки, 60–70-йилларда ижод қилган Салоҳ Абдуссабур, Аҳмад Ҳижозий, Амал Дунқул ва «янги шеърият»нинг бошқа вакиллари уларнинг ижодини юқори баҳоладилар ва ўз ижодларига биринчи Миср романтиклари – «янгиланиш тарафдорлари»нинг таъсири катта бўлганлигини ва улар поэтикасидан фойдаланганлигини таъкидлайдилар.

Шеъриятдаги «’ал-’иттижāҳу-л-виждāний» – араб романтизми йўналиши воқеликни акс эттиришда ўзига хос турғун ва мустаҳкам мавзулар, образлар, услуб ва усуллар, сўз туркумлари ва иборалар, ҳаёлий таассуротларни ишлаб чиқди (Khodzhaeva, 2004, pp. 109-117). Аммо бу йўналиш 40-йилларга бориб араб дунёси олдида пайдо бўлган муҳим муаммоларга бефарқ қараб, уларга яқинлашмасликни афзал кўрди. Уларни ўз ички дунёсидан чиқмасдан ташқарида жўш ураётган ҳаётга эътиборсизлиги адабий майдонга эндигина кириб келаётган ёш авлод томонидан кескин танқидга олинди. Бу ёш авлод назарида араб романтизми намояндалари шеърият олдида турган янги талабларни тушуниб етмасдан, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиришга ожизлик қиладилар. Ёш шоирлар энди шеъриятдаги янгланиш эҳтиёжини 50-йиллардаги Миср воқелигида рўй берган сиёсий, ижтимоий, маданий ўзгаришлар билан чамбарчас боғладилар.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларига келиб Миср шеърияти ўзининг мавзулар доирасининг кенгайганлиги, янги шаклларнинг вужудга келиши билан ажралиб турди. 1952 йилги Миср инқилобидан кейин жуда кўп шоирлар ўз ижодларини мамлакатнинг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғладилар. ««Янги шеърият»нинг пайдо бўлиши – бу араб шеъриятининг ҳаётийлиги ва қудратидан далолатдир. Бу шеърият мустамлакачиликка қарши кураш ва ижтимоий тараққиётга интилиш даврида ҳаққоний воқелик билан уйғунлашиб, ривожлана бошлади», - деб ёзган эди Миср шоири Муҳаммад Иброҳим Абу Синна (Abu Senna, 1977, p. 102).

Адабий танқидчилар Мисрдаги «янги шеърият»нинг вужудга келишини 50-йилларнинг бошларида нашр этилган икки шеърнинг чоп этилиши билан боғлайдилар. Жумладан, адабиётшунос Луис Авад 1972 йил «ал-Аҳрам» газетасида чоп этган «Қаршилик – Шу‘арāу-р-рафд) мақоласида «Абдурраҳмон аш-Шарқовий شعراء الرفض шоирлари» (من اب مصري إلى الرئيس йиллар бошида ёзган «Мисрлик отадан президент Трумэнга» (50- – Мин’аб мисрий илā-р-ра’ис Трумāн, 1951) шеъри билан Миср шеъриятида инқилоб ترومان ясади», - деган фикрни билдиради (Awad, 1972, p. 6). Кўпгина адабиётчилар Луис Аваднинг фикрига қўшилиб, айнан Абдурраҳмон аш-Шарқовий шу асари билан «янги шеърият»га тамал тошини қўйган деб ҳисоблайдилар (Abu Senna, 1977, pp. 102-112).

Шоир Фарук Шуша эса юқоридаги шеър билан бир қаторда Салоҳ Абдусаббурнинг «Заҳроннинг осилиши» (شنق زهران – Шанқ Заҳрāн, 1953) асари ҳам «янги шеърият»нинг вужудга келишига туртки бўлганлигини таъкидлайди.

Адабий танқидчилик XX асрнинг иккинчи ярмида Миср «янги шеърият»и ҳаракатининг ривожида 3 даврни фарқлаб кўрсатади (Jayyusi, 1970, p. 149].

Биринчи давр 50-йиллар ва 60-йилларнинг катта қисмини ўз ичига олади, иккинчи давр эса 70-йилларга, учинчи давр 80-90-йилларга тўғри келади.

«Янги шеърият»нинг биринчи даврдаги ривожини араб танқидчилари 1948 ва 1967 йиллардаги урушлар орасидаги давр билан боғлайдилар. Бу даврда ижоди бошланган шоирлар «кашфиётчилар авлоди» (جيل الرواد – жилу-р-руввāд) ёки «фалокатлар авлоди» (جيل النقبة – жилу-н-нақба) номи билан саҳифаларга кирдилар. Фалокат остида барча араб давлатларида оғир алам билан қабул қилинган ва адабиётчилар бадиий тафаккурини тубдан ўзгартириб юборган 1948 йилги араблар мағлубияти билан тугаган Фаластин уруши назарда тутилади. Худди шу даврда шоирлар янги шеърий шакллар устида тажрибалар олиб бораётган эдилар.

Миср «янги шеърият»инин дастлабки авлоди Салоҳ Абдуссабур, Аҳмад Ҳижозий, Фавзий ал-Антила, Камол Нашаат ва бошқалар бўлиб, бу авлод вакиллари учун Салоҳ Абдуссабурнинг «Юртим одамлари» (الناس في بلادي – 'ан-Нāс фи-билāди) номли биринчи тўплами дастурий қўлланма бўлди. Бу тўпламда шоир миллий-ижтимоий мавзуларга мурожаат қилди, ноанъанавий «эркин шеър» шаклини қўллади.

1952 йилги Миср инқилоби «янги шеърият» ривожига кучли туртки бўлиши билан бир қаторда, унга кўтаринкилик кайфияти, инқилобдан кейинги ислоҳотлар самараси ва тўкин ҳаётга бўлган ишонч руҳини олиб кирди. Инқилобдан кейинги Миср ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, халқнинг турмуш тарзи Абдурраҳмон аш-Шарқовий, Абдурраҳмон ал-Хамисий, Салоҳ Жаҳин, Комил Абдулҳалим, Салоҳ Абдуссабур, Нажиб Сурур асарларида акс эттирилган бўлса, Комил Амин, Иброҳим Ҳаммад, Камол Нашаат, Аҳмад Ҳижозий шеърларида мустамлакачиликка қарши кураш, она ватан ва халққа бўлган муҳаббат, ватанпарварлик ҳисси сезилади. Кўпгина шоирлар ўз асарларида Американинг араб шарқидаги сиёсати, 1956 йилдаги учлик (Англия, Франция, Исроил) босқинига қарши Миср халқининг мардонавор курашини акс эттирдилар (Абдураҳмон аш-Шарқовий «Мисрлик отадан президент Трумэнга», Муҳаммад Маҳрон ас-Саййид «Ричардс, АҚШга қайт», Камол Нашаат «Ўлмас Порт – Саид», Салоҳ Абдуссабур «Абадий хилпира», «Мен сени яксон қиламан» ва бошқалар). «Янгиланиш – бу аср ҳодисаларини кузатишгина эмас, балки унинг руҳиятини англай билиш, ифодалай олишдир» (Ismail, 1967, p. 63), - дейди бу давр шеърияти ҳақида таниқли мунаққид Изиддин Исмоил.

Бу даврга келиб Миср шеъриятидаги асосий масалалардан бири поэтик тилни янгилаш масаласи бўлиб қолди. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Миср маданиятида рўй берган «Уйғониш» (النهضة – ’ан-Нахда) даврида шеърият тили илк ўрта асрлар шеъриятидек яна ўз андозаларига, оҳангдорлик ва аниқ маъноларга қайтган бўлса, XX асрнинг 20-30-йилларидаги романтизм даврида у бир оз ўзгарувчан ва мавҳум ифодаларга бой эди. 50-йилларга келиб эса шеъриятда шиорий-инқилобий ибораларни қўллаш кучайди, шу билан бирга, тил аниқлашди ва соддалашди. Адабиётшунос Исо Абдуллоҳ бу давр шеърияти тили ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: «XX асрнинг иккинчи ярмидаги шеърият тили кундалик турмуш тасвирини акс эттирувчи лексик қатламларни ўзида мужассам этди. Улар аввалги қолиплар ва сийқаси чиққан ибораларни сиқиб чиқарди. Бу эса шеъриятга янги ифодавий мазмун олиб кирди ва турли-туман ҳаётий кўринишлар учун йўл очиб берди» (Abdulla, 2001, p. 17).

1954 йилда Миср матбуотида бутун йил давомида бир томондан катта адиблар Таҳа Ҳусайн ва Аббос ал-Аққад, бошқа томондан ёш танқидчилар Маҳмуд ал-Алим ва Абдулазим Анис ўртасида баҳс-мунозаралар авж олиб кетди. Бу мунозараларни Таҳа Ҳусайннинг «ал-Жумҳуриййа» газетасида чоп этилган «Адабиётнинг шакли ва мазмуни» (صورة الادب و مدته – Сурату-л-’адаб ва маддатуҳу) номли мақоласи бошлаб берди. Адабиётнинг долзарб масалалари адабиёт ва воқелик ўртасидаги муносабат, шакл ва мазмун, адабий тил борасидаги мунозараларда асосий эътибор ижодкорнинг вазифалари (التزام – ’илтизāм) масаласига қаратилди (Hussein, 1954, p. 13). Бу мунозаралар бошқа араб давлатларига ҳам тарқалди. Шу йили Таҳа Ҳусайн билан таниқли Ливан танқидчиси Рауф Хурий ўртасида ҳам мунозаралар юзага келди. Уларда, асосан, ижодкор кимга хизмат қилмоқ керак – оммагами ёки фақат сараланган китобхонларгами деган масалалар муҳокама қилинди. Бу мунозараларда Таҳа Ҳусайн муайян мафкурага хизмат қилувчи адабиётни танқид қилади. Чунки 50-йиллар ўрталарида бундай адабий йўналиш Сурия ва Миср адабиётида ҳукмрон йўналишга айланган эди. Бу даврга келиб романтик йўналишда ижодини бошлаган кўпгина ёш шоирлар миллий, мафкуравий ғоялар тарафдорларига айланиб бораётган эдилар.

Таҳа Ҳусайн эса қатъиян адабиётни, хусусан, шеъриятни мафкурага хизмат қилишини қабул қилмади. Ал-Аққад ва Таҳа Ҳусайнларнинг эътирозига ёш шоирларнинг «инқилобий мавзуларни» акс эттиришда шошилиб шиорбозликка берилиши, шеърий тилни ниҳоятда соддалаштириши, бадииятни пасайтириш ҳодисалари ҳам сабаб бўлди. Аммо айни шу ёш шоирлар ичидан бутун араб адабиётида етакчи ўринларни эгаллаб келган икки буюк шоир – Салоҳ Абдуссабур ва Аҳмад Ҳижозийлар етишиб чиқди. «Уларнинг араб шеъриятига қўшган ҳиссалари Салоҳ Абдуссабурнинг муҳаббат, алам ва ёлғизлик ҳиссиётларини

ифодалай олиш маҳоратида, Аҳмад Ҳижозийнинг эса катта шаҳарнинг шафқатсизлиги ва унинг аҳолисининг бир-биридан ижтимоий фарқланишини акс эттирган мавзуларга янгича ёндашишда кўринади» (Kirpichenko, Safronov, 2003, p. 65). «Бу икки буюк арбоб томонидан яратилган шеърий шакллар, бутун араб дунёсида янги шеърият билган асарларнинг энг яхшиси эди» (Abu Senna, 1977, p. 106).

60-йилларда адабиёт соҳасига «янги шеърият»нинг барча ютуқларини мужассам этган ва ўзига хос ижодий хусусиятларга эга бўлган шоирлар Муҳаммад Афифий Матар ва Амал Дунқул кириб келди.

Бир оз вақт ўтиб Миср шоирларининг учинчи авлоди – Аҳмад Антара Мустафо, Нисор Абдуллоҳ, Муҳаммад Фаҳмий Санад, Аҳмад ал-Хутий, Ҳасан ан-Нажжор, Ҳасан Тавфиқ пайдо бўлди. Лекин бу шоирлар ижоди ўз даврида «кашфиётчилар» обрўсининг мустаҳкамланиши ва ижодининг шаклланишида катта ёрдам берган адабий танқидчилик эътиборига тушмади.

Миср ва бошқа давлатлардаги «янги шеърият» шаклланиши ва ривожланиши осон кечмади. У анъанавий шеърият тарафдорлари томонидан кескин қаршиликка учради. Улар «янги шеърият» вакиллари ижодини ғарб адабиётига тақлид сифатида қабул қилдилар ва уни ҳар томонлама камситишга интилдилар. 20-30-йиллардаёқ «Девон», «Аполлон» жамиятлари ва Сурия-Америка мактаби вакилларига нисбатан анъанавий шеърият тарафдорлари томонидан бошланган таъна-ю маломатлар 50-60-йилларга келиб жуда кучайди, «янги шеърият» атрофидаги кураш жадаллашди. Айниқса унга қарши адабиёт ва санъат ишлари бўйича Олий Кенгашдаги шеърият бўлимига бошчилик қилаётган Маҳмуд Аббос ал-Аққад атрофида тўпланган бир гуруҳ шоирлар кураш олиб бордилар. Улар «янги шеърият» вакилларини асрлар давомида араб шеъриятининг асоси бўлиб келган аруз вазнини, қадимий миллий маданият асосларини бузишда, миллий ва диний меросдан воз кечишда, уларнинг шеърлари мумтоз шоирлар ал-Мутанаббий, Ибн ар-Румий ва Абу-л-Ала ал-Мааррий қасидалари билан солиштирганда «саводсизларча ёзилган»ликда айбладилар (Abu Senna, 1977, p. 105). Шуниси қизиқки, 20-30-йилларда шеъриятда янгиланиш байроғини кўтариб, романтизм йўналишини барпо этган ал-Аққад эндиликда янги шеъриятнинг ашаддий рақибига айланди. Ҳатто у «’аш-ши‘ру-л-ҳурр» шаклида ёзилган шеърларни бутунараб шеърхонлик фестивалига юборишга йўл қўймади. Ёш шоирлар бу фестивалда қатнашиш учун анъанавий усулда шеър ёзишга мажбур эдилар. 1964 йилда маданият ва адабиёт ишлари бўйича Олий Кенгашда «янги шеърият»га тааллуқли бўлган ҳар қандай асарларни ва халқ тилидаги шеърларни тақиқлаш ҳақидаги қарорнинг чиқиши адабий жамоатчилик орасида қаттиқ норозилик кайфиятини уйғотди. «Янги шеърият» ҳимояси учун таниқли шоирлар ва танқидчилар отландилар. Улар араб шеъриятидаги

янгиланиш нафақат бизнинг асримизда, балки араб адабиёти тарихида ҳам бир неча бор бўлганлигини таъкидладилар. Дарҳақиқат, ўрта аср араб шоирлари ўз ижодларида арузнинг 16 баҳри билан чекланган ҳолда сезганлар ва кўп ҳолларда унинг қоидаларидан чиқишга ҳаракат қилганлар. Биз араб шеърияти тарихига назар ташласак, VIII–IX асрларда ижод этган Башшар ибн Бурд (714–784), Абу Нувос (762–813) каби шоирлар ижодида, XI–XII асрлардаги Андалусия (араб-испан) шеъриятида янгиланиш унсурларини кўришимиз мумкин. XIX аср охири XX аср бошларида эса Мисрнинг таниқли «неоклассик» шоирлари Маҳмуд Самий ал-Барудий (1839–1904), Аҳмад Шавқий (1870–1932), Ҳофиз Иброҳимлар (1872–1932) араб шеъриятининг анъанавий шаклини сақлаб қолган ҳолда унга янги мазмун ва замон руҳиятига мос мавзуларни киритдилар. XX асрнинг яна бир шоири Халил Мутрон (1872–1949) эса биринчи бўлиб мумтоз араб шеърияти қоидаларидан четга чиқишга ҳаракат қилди ва ҳикоявий сюжетга эга бўлган қасидалар яратди.

Анъанавий қасида тарафдорларининг замонавий шоирлар ижодига нисбатан танқидлари асоссиз эди. Чунки кўпгина замонавий Миср шоирлари ўз асарларида миллий ва диний меросга – Қуръони карим ривоятлари, Муҳаммад пайғамбар ҳадислари, араблар тарихи, қадимий Миср худолари ва фиръавнлари билан боғлиқ афсоналарга, тарихий шахсларнинг образларига мурожаат қилдилар. «Гарчи замонавий шоирлар қадимий шеър ёзиш шаклидан воз кечган бўлсалар-да, улар араблар меросидан воз кечмадилар. Бу мероснинг бебаҳо бойликлари замонавий араб шеъриятини мозий билан боғловчи восита бўлди» (Ismail, 1967, p. 63), - деб ёзади Изиддин Исмоил.

«Янги шеърият» ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланишида миллий анъаналардан ташқари, ғарб шеърияти билан яқиндан танишиш, унинг намояндалари ижоди, жумладан, Луи Арагон, Фредерико Гарсиа Лорка, Андре Бретон, Пол Элюар, айниқса, Томас Стериз Элиот каби новатор-шоирларнинг таъсири сезиларли бўлган. Улар таъсирида ижод қилган ёш шоирлар 60-йилларда Миср шеъриятининг ижодий кўламини янада кенгайтирдилар. Миллий меросдан ташқари умуминсоният маданий меросига мурожаат қилдилар. Ўз асарларида жаҳон цивилизациясининг қийматларидан, мифологик ва тарихий образлардан фойдаландилар ва улар орқали замонанинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларига ечим ва ибрат қидирдилар.

60-йилларнинг охирларига келиб Миср янги шеъриятида турли йўналиш ва оқимлар вужудга келди. Улар ичидан икки асосий оқим ажралиб чиқди: реалистик ва модернистик. Реалистик оқим вакиллари – Салоҳ Абдуссабур, Аҳмад Ҳижозий, Камол Нашаат, Амал Дунқул ва бошқалар ижодида Миср воқелиги тўғри тушунилиб, барча ички зиддиятлари билан аниқ акс эттирилди. Кейинги оқим вакиллари – Ҳилмий Салим, Ҳасан Талаб, Амжад Райан, Жамол ал-Қассос, Муҳаммад Сулаймон эса ғарб модернистик оқимлари таъсирида

ижод қилдилар. Бу оқим вакиллари асарларида сюрреалистик лавҳалар кенг ўрин олган эди. Шуниси диққатга сазоворки, худди шу оқим 70-йилларда замонавий фалсафий таълимот экзистенциализм тамойилларини тарғиб қила бошлади ва авангардизм йўналишига йўл очди.

«Янги шеърият»нинг иккинчи даври 70-йилларга тўғри келиб, бу даврда шеърият тараққиётига 1967 йилдаги олти кунлик Миср – Исроил урушида Мисрнинг мағлубияти туфайли ижтимоий-сиёсий иқлимнинг ўзгариши катта таъсир кўрсатди. Бу даврга келиб инқилобдан кейинги ислоҳотларнинг натижа бермаётганлиги, оддий халқ ҳаёти ўзгармаганлиги, жамиятда порахўрлик, қоғозбозлик, лоқайдлик кучайиб кетганлиги сабабли шеъриятдаги кўтаринкилик кайфияти сўнди, айниқса, Мисрнинг урушдаги мағлубияти зиёлиларнинг ислоҳотларга бўлган ишончини бутунлай йўқотди. Шеъриятда танқидий мавзулар кенг ўрин олди, сиёсий шеърият ривожланди. Шоирлар урушдан кейинги даврларда халқнинг оғир ҳаёти, жамиятда ҳукм сурган иллатлар ва камчиликлар, мағлубият сабабларини акс эттира бошладилар.

1970 йил 28 сентябрда президент Жамол Абдулносирнинг вафоти мамлакатдаги аҳволни тузатиш режаларини амалга оширишга халақит берди.

Янги президент Анвар Садат бошқарувининг дастлабки даврлариданоқ маънавий соҳа кескин кураш майдонига айланди. Ижодкор зиёлиларнинг аксарияти ўз асарларида мавжуд тузумни қаттиқ қораладилар. Бунинг натижасида кўпгина ижодкорларга асарларини нашр қилдириш, матбуот муассасаларида ишлаш таъқиқлаб қўйилди. Баъзи газета ва журналлар фаолияти тўхтатилди.

70-йиллардаги Мисрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволни танқид остига олган адабиёт «қаршилик адабиёти» (ادب المقاومة – ’адабу-л-муқāвама) номини олди. Қаршилик адабиёти намояндаларининг асарлари расмий бўлмаган «ал-Фикр ал-муасир» журналида доимий равишда нашр этилди.

Бу даврга келиб юқоридаги шоирлар сафига «янги шеърият»нинг яна бир авлоди Ҳасан Талаб, Ҳилмий Салим, Амжад Райан, Муфриҳ Карим, Фавзий Хидр каби шоирлар кириб келдилар. Адабий танқидчилик, асосан, дастлабки учта шоир ижодини ажратиб кўрсатади. Бу шоирлар ҳам шеърият соҳасидаги бадиий изланишларни давом эттирдилар, сиёсий мавзуни ривожлантиришга эътиборни қаратдилар. Лекин уларнинг шеърияти мураккаб, баъзи ҳолларда ўқувчига тушунарсиз тили билан ажралиб турарди. Модернистик оқим сифатида ўртага чиққан бу шоирлар ижодида аруз доирасидан четга чиқиш жараёни янада жадаллашди. Бир шеърнинг ўзида турли баҳр рукнлари қўлланилди ёки аруз вазнидан бутунлай воз кечилди. Модернист шоирлар шеър мазмунига эмас, кўпроқ шаклга эътибор бера бошладилар. Шу сабабли Миср танқидчилигида юқоридаги шоирлар ижодига

нисбатан кескин танқидларни учратиш мумкин. Адиб Моҳир Шафиқ Фарид таъкидлашича, «етмишинчи йиллар шоирлари ижодида мавҳум тушунчалар кўп учраб, улардан олдин ижод қилган шоирлардан фарқлироқ, бу нарса уларнинг мақсадига айланиб қолди» (Farid, 1994, p.111).

Бу борада мисрлик шоир Иззат ат-Тоирий ҳам шундай дейди: «Етмишинчи йиллар шоирлари ягона авлодни ташкил қилмайди. Улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Менга Жамол ал-Қассос ва Муҳаммад Сулаймон яқиндир. Бошқа томондан эса Абдулмунъим Рамадан ва Амжад Райан турибди. Ўртада эса Ҳилмий Салим бор. Ҳасан Талабга келсак, унинг шеърияти сўз ўйинлари, турли тасвирлар ва ноаниқликлар билан тўла. Талаб шеърияти мамлуклар даври шеъриятини эслатади. Биз биламизки, бу давр араб адабиётининг энг заиф давридир» (Kirpichenko, Safronov, 2003, pp.65-66).

Умуман олганда, ат-Тоирий «янги шеърият»га салбий муносабатда бўлади. Унинг фикрича, «янги шеърият» шеърий мезонларга умуман жавоб бермайди, бу эса араб шеъриятини ҳалокатга олиб келади. Ўз фикрини мустаҳкамлаш мақсадида ат-Тоирий ўз вақтида Салоҳ Абдуссабур томонидан адабиёт ва санъат ишлари бўйича Олий Кенгашнинг шеърият комиссиясига тақдим этилган шеърий тўплами тарихига мурожаат қилади. Ўша вақтдаги комиссия раиси Аббос ал-Аққад бу тўпламни наср бўйича комиссияга ўтказиб юборган эди. Лекин адабиётшунос Салма Жаййусий фикрича, «гарчи янги шоирлардан бирортаси ижодий жиҳатдан «кашфиётчилар авлоди» даражасига ета олмаган бўлсалар-да, улар юксак замонавий мезонларга жавоб берувчи шеъриятни яратмоқдалар» (Jayyusi, 1970, p.179).

«Янги шеърият» ривожининг 80-йиллардан бошланган учинчи даврига келиб кўпгина ёш шоирлар ижодида тақлидгўйиликка мойиллик сезила бошлади. Баъзи ҳолатларда уларнинг шеърлари қайсидир жиҳатлари билан 50-60-йилларда ижод қилган шоирлар ёки ўз замондошларининг асарларига ўхшаб кетарди. 70-йилларда бошланган мураккаб поэтик тил ва бадиий ифодалар қўллаш 80-90-йилларда ҳам давом этди. Бу давр шеърияти ҳозирги кунда ҳам ўз ривожида давом этаётганлиги сабабли кенг адабий тадқиқотлар эмас, балки фақат танқидчиликнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида адабий тилдаги шеърият билан бир қаторда Миср лаҳжасидаги шеърият ҳам ривожланди. Лаҳжада ижод қилган Фуад Ҳаддад, Аҳмад Фуад Нажм, Абдурраҳмон ал-Абнудий, Салоҳ Жаҳин, Саййид Ҳижоб, Абдурраҳмон Мансур ва бошқа шоирларнинг тўпламлари ҳам нашр қилинди.

Хулоса. Умуман олганда, XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган Миср янги шеърияти оғир ижтимоий ва сиёсий шароитда ўзига тараққиёт йўлини очиб борди. Шоир Муҳаммад Иброҳим Абу Синна таъкидлаганидек: «Янги шеърият» мухолиф кучлар

айтганидек залолатга юз тутмади. Улар «янги шеърият» таназзулга учрайди деб кўп йиллар умид қилдилар. Лекин бу шеърият ўз тараққиётидан тўхтамади, юксакликка интилди» (Abu Senna, 1977, p. 112).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdulla, Isa. (2001). Means of artistic expression of the Arabic “new poetry” (second half of the 20 th century). Sredstva xudojestvennoy virazitelnosti arabskoy «novoy poezii» (vtoraya polovina XX v.). Abstract of a Cand. Philological Sciences Cand. – Moscow: Moscow State University, – 24 p. (in Russian)
2. Abu Senna, Mohamed Ibrahim. (1977). New Voices in Modern Arabic Poetry. Asvat jadida fi ash – shir al-arbiy al-hadis.//al-Katib. Issue № 4. Pp. 102-112. (in Arabic)
3. Awad, Louis. (1972). Poets of Rebellion. Shuara al-rafd // Al-Ahram, July 7, – P. 6. (in Arabic)
4. Farid, Maher Shafiq.(1994) On the Poets of the Seventies. Havla shuara as-sabinat // Al-Adab wal-Naqd. Issue № 1. – Pp. 109–186. (in Arabic)
5. Hussein, Taha. (1954). The Image and Duration of Literature. Surat al-adab va muddatuhu // Al-Gomhuria, Cairo, July 29, - P.13. (in Arabic)
6. Ismail, Ezz El-Din.(1967). Contemporary Arabic Poetry – Its Artistic and Semantic Issues and Phenomena. ash-Shir al-arabiy al-muasir – qadaya va zavahiruhu al-fanniyya va al-manaviyya. – Cairo: Dar Al-Kitab. - 415 p.(in Arabic)
7. Jayyusi, S.K. (1970).Trends and Movements in Contemporary Arabic Poetry. – London, 1970. – 739 p. (in English)
8. Kirpichenko, V.N., Safronov, V.V. (2003). History of Egyptian Literature of the XIX-XX Centuries. In 2 volumes. Istoriya yegipetskoy literaturi XIX–XX vv. V 2-x tomax. – Moscow: Eastern Literature, V.2. – 272 p. (in Russian)
9. Khodjaeva, R.U. (1975). Essays on the development of Egyptian poetry. Ocherki razvitiya egipetskoy poezii. – Tashkent.: Fan, – 176 p. (in Russian)
10. Khodzhaeva, R.U. (2004). History of Modern Arabic Literature. Yangi arab adabiyoti tarixi. – Tashkent, – 184 p. (in Uzbek)
11. Al-Ruwaini, Abla.(1993). Al-Janoubi (The Southerner). Al-Janubiy. Cairo: Dar Suad Al-Sabah. – 182 p. (in Arabic)